









Хурматли ҳамкасбимиз Мухаббат БЕРИГИНА!

Хоразм вилоят ўқитувчилар малакасини ошириш институти жамоаси аъзолари муборак 55 ёшингиз билан қизғин ва самимий табриклайдилар.

Ҳаётингизнинг энг жўшқин ва куч-ғайратга тўла даврларини ёш авлод тарбиясига, халқ таълимини янада раванг топтиришга сафарбар этдингиз.

Халқ таълимининг қайси соҳасида ишлашингиздан қатъи назар, ўзингизнинг билим ва малакаларингизни ўқитувчиларга етказишга, улар орқали мактабларда таълим-тарбия ва услубий ишларни такомиллаштиришга муносиб ҳисса қўшидингиз, қандай вазифада ишлашингиздан қатъи назар, ўзингизнинг ҳақиқий маорифчи эканлигингизни намоён қилдингиз.

Вилоят ўқитувчилар малакасини ошириш институтидаги фаолиятингиз, айниқса, диққатга сазовордир. Сизнинг беvosита рақбарлигингиз остида ялмоқнинг моддий базаси мустаҳкамланди, малака оширишнинг янги-янги шакллари ил жараёнига тадбиқ қилинди.

Сизнинг халқ таълимни соҳасидаги фидокорона меҳнатингиз ҳукуматимиз ва халқимиз томонидан муносиб тақдирланди.

Қадрили Мухаббат Беригина! Сизни яна бир бор туғилган кунингиз билан чин қалбдан табриклаймиз. Узоқ умр, сийхат-саломатлик, ёш авлод тарбияси билан боғлиқ бўлган педагогик фаолиятингизда улкан зафарлар тиллаймиз.

Дусту ёрлар, азу юрт, шогирдларингизнинг ҳурмат ва эъзозини Сизга ҳамisha ҳамнафас бўлсин.

**ХОРАЗМ ВИЛОЯТ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ БОШҚАРМАСИ ВА ВИЛОЯТ ЎҚИТУВЧИЛАР МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ИНСТИТУТИ ЖАМОАСИ.**

Кечагина биз болалар маънавияти ҳақида қайғураётган эдик. Бугун унинг ёнига ундан ҳам муҳимроқ — иқтисодий муаммо ҳам қўшилиб қолди. Ҳа, оч қоринга қўшиқ на ҳолат дейди халқимиз. Қизилчи сўз устларига қандайгина бола тилдан гапириб «бугун ноқуштага нима едим?» деса, «нон, шакар, сарғ», «яна нима едим?» деса, «сарғ, нон, шакар», «яна нима едим?», деса, «шакар, сарғ, нон», — шу учта таомнинг жойини алмашлар (гўё кўп нарса егандек қилиб кўрсатиш учун, албатта) айтиб дастурхонимизнинг вочорлигига ишора қилмоқчи бўлишарди. Бугун ўша саволини таърирлайдиган бўлсак, бола нон, чой, яна нима деса чой, нон дейдиган кунга келиб қолдик. Ҳўш, энди бу ёни нима бўлади? Болаларни қандай қилиб иқтисодий ҳимоя қила оламиз? Қандай қилсак боланинг соғлигиния, саломатлигиния мустаҳкамлашимиз, устиями бут қилишимиз мумкин? Бугунги баҳсимиз мавзуси ана шу ҳақда.

Ваҳсимизда Йўлдош Охунбобоев номли «Висол» маҳалласи ота-оналар қўмитаси аъзоси Назир ака ОРИПОВ, шу маҳаллада яшовчи иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси Мухаммад ака Қўлдошев ва «Вирлик» маҳалласидан Абулқосимжон ЖАҲОНГИРОВ ва журналист, болалар ёзувчиси Эркин МАЛИКОВлар иштирок эттишти.

**Н. Орипов:** — Мен Охунбобоев номли маҳалладаги мактабда кўп йил ўқитувчи бўлиб ишлаганман. Ўз касбим билан фахрланаман. Чунки болаларга тарбия бериш, шараф. Бола тарбиялаш фақат мактабнинг эмас, ота-онанинг ҳам зиммасига тушибди керак. Боланинг сийхат-саломатлигини ўйлаш, бугун жуда ҳам зарур. Албатта, бунда энди савдо ходимлари, шу соҳа раҳбарлик идоралари кўпроқ ўйлашларига тўғри келади. Ердан ҳар томонлама бўлиши керак. Масалан, шундай бўлиб қолдики, маҳалла қўмитасига тушган мабларлардан ҳам нонор оилаларга бериш зарур. Шундай қилинса, шу оиладаги боланинг аҳоли бирмунча яхшиланади.

**Э. Маликов:** — Хусусан, сизларнинг маҳаллангизда қандай ёрдам кўрсатилди?

**Н. Орипов:** — Бизнинг маҳалламизда яқинда уч ўз сўм пул ногирон болаларга ёрдам тариқасида берилди. Яна мабларни кўпайтиришни мўлжаллаямиз.

**А. Жаҳонгиров:** — Менда бир тақлиф бор. Ҳозир шу болаларга қийин бўлиб қолди. Емишлари чатоқ. Аҳволлари танг. Ҳамма нарса қиммат. Шу турли байрамларни мактабларда ўтказасак. Хатоларимизда (иқтисод буйича, албатта) болаларга тушунтирсак. Бу хатоларни улар қилмасалар. Бир-бирларини меҳр-оқибатга ча-

**А. Жаҳонгиров:** — Энди шу савоатли одамларга бир илтимос. Айниқса, тижоратчи савдо ходимларига. Шу болаларга сотилмайдиган ширинликлар нархини пасайтириш керак. Уни катталар емайди. Мана, битта пиянани килоси 45 сўм. Бу нима деган гап?

**М. Қўлдошев:** — Илгари 90 тийин эди.

**А. Жаҳонгиров:** — Болаларнинг ризинини туя қилиш. Ахир ҳеч қачон пияник килосининг таннари 45 сўмга тушмайди. Болаларнинг ризинини ёйиш исломда мусулмондан деб даъво қилган одам тўғри гуштини ёйиш билан баробар. Наҳот, болаларнинг ҳақини еса? Болаларга шайтон яратиб берайлик. Улар бизнинг келажагимиз. Мен

бериш оғирлик қилади. Мен ўйлаётганимни, хондонларда боқилмайдиган ситирларга озиқ-овқат мўл қилиб қўйилса, эл тўяди.

**А. Жаҳонгиров:** — Бунинг учун, яна қайтариб айтаман, ҳамма бирдек ўйлаш керак. Ҳозир ўйимизни эмас, болаларни ўйлайдиган дарв. Болалар тарбиясига ниҳоятда эътибор беришимиз керак.

**Э. Маликов:** — Абулқосимжон, сиз Туркияда бўлгансиз. Уларнинг болаларга бўлган эътиборини гапириб беринг.

**А. Жаҳонгиров:** — Туркияга борганда шу нарсани ҳис қилдимки, улар фақат болаларни ўйларкан. Катталарнинг машғулоти, фикри ўйи шу экан. Мисол учун, жамгармаси бўлса, ўшани олиб бориб лицейларга, кол-

лежларга бераркан. Худойиларни шу болаларга қилишаркан. 20—30 та болани тўғдиришга қурб итса, ўшани лицейда ёки коллежда ташкил қилиб, болалар билан бирга еб, дуо қилиб келтавераркан. У ердаги устозлар болалар билан бирга ўтириб таом ёйишар экан. Бизнинг мактаб устозлари ҳеч қачон болалар билан таом ёйишмайди. Биз болалардан жуда четлашиб кетганмиз. Болаларнинг юрагига киришимиз керак.

**М. Қўлдошев:** — Қоғозда бор, амалда йўқ.

**А. Жаҳонгиров:** — Ешларда айб йўқ. Уларни тарбиялаш керак, кўрсатсан, билмасдан нимага амал қилади? Шу 70 йиллик сийхат кўп нарсани ўзгартириб юборди.

**Э. Маликов:** — Шу қоғозда бор, амалда йўқ дейимиз. Шу қозғонни эсдан чиқариш керак. Энди ҳалқ боласини ўзи боқсин, ўзи тарбиялаши зарур.

«Маърифат» давра суҳбатиди

БИЗ БОЛАЛАРНИ ЎЙЛАСАК

қирсақ. Миллий анъаналар, байрам маросимларини ҳам мактабларда қилсак бўладику.

**Н. Орипов:** — Биз маҳалланинг Наврўз байрамини мактабда ўтказдик. Болалар иштирокда бўлди.

**М. Қўлдошев:** — Сизларнинг фикрларингизга қўшилишаман. Мана Назир ака айтди, маҳаллада ҳайрли ишлар қилдик. Мактабда сумалак бўлди. Ҳўш, Наврўз байрамини ўтказдик. Мен шу маҳалланинг ўзига ўз ҳиссамини қўшдим. Кейин, «Келажак тоғи» радиосида хабар берилганидек, бир ўқувчи қизимизнинг ота-онаси касал экан, шайтонлари оғирлашиб қолди. Шунга эшипти, ўз нафақа пулимдан 300 сўм юбордим. Мана шундай ишлар ўзимизни маҳаллада, бошқа жойларда, бутун Ўзбекистонимизда амалга ошишини истайман. Аночор одамларга қўлдан келганча ёрдам қилиб турсак, айни мўддо бўлади.

ийб кетаяпти. Мен ўйлаётганимни, шунақа болаларнинг қўлайлиги, озиқ-овқатнинг етарли эмаслигини. Шунинг учун, уларга тўйимли овқат едириш керак бўлади. Болалигидан тўйимли таом еса илги тўлади, ақлимиз бутун бўлади, барча аъзолари ривожланган бўлади. Яхши овқат эмас, ақлий томоний, жисмоний томоний заиф бўлиб қолади.

**Э. Маликов:** — Болаларни меҳнатга, турли касбларга ўргатиш буйича маҳалларда нима ишлар қилинган, мана шулар ҳақида ҳам гаплашайлик.

**М. Қўлдошев:** — Мана, биз билан, бола ўйнаб келди-да, «қорин очди, овқат беринг», дейди онасига. У энергия йўқотганида. Жисмоний ҳаракат ва меҳнатнинг ҳам ҳоияти ана шунда. Энди ўша боланинг ўша энергиясини фойдаланишга сарфлаш зарур. Бирок олдин ҳунар ўргатиш керак.

**М. Қўлдошев:** — Бизнинг

Китоблар оламида

ЖАСОРАТ ҚИССАСИ

Ушбу китобни ўқидим-у, қалбимни беҳитер қамрлаш ҳис-туйғулари қамраб олди. «Халқ қилувчи дәмларда инсоният жаҳиати манфаатлари йўлида нима қилиш кераклигини билган кишигина қаҳрамондир», деган сўзларнинг остига қизиб қўйдим. Бу сўзлар буюк антифашист ёзувчи Юлиус Фукс қаламига мансуб. Улар худди шу китоб қаҳрамонлари бўлган аёйиб ҳамшаҳарларимиз, ҳал қилувчи дәмларда қалбим билан тенгсиз жасорат кўрсатишган олижаноб, бағри кенг инсонлар ҳақида айтилгандай. Ҳа, улар қаҳрамонлар, ҳал қилувчи дәмларда ўз инсонийлик бурчларини шараф билан адо этиб, тилларда дoston бўлган кишилар!

эка билан Баҳри опа уруш йилларида юксак оғиллик ва ватанпарварлик намуналарини кўрсатганили уруш «Хурмат белгиси» ордени билан мукофотланганларини эшитиб, қалб тўғёнларини шеърий мисраларда йўллаган. Бу шеърдан қуйидаги сатрларни зўр ҳажон билан ўқийсан, киши:

Менинг кўз ўнгимда бўлур намоён,  
Уғлонларни суюб қучган Баҳрихон.  
Кўраман темирчи табассумин ҳам,  
Гўдақлар қалбига қўйганин маълам.  
Сизларга минг таъзим,  
Бехт ила омад,  
Мухтарам Баҳрихон,  
азиз Шоҳмамод!

Асар алғов-далғовли бир даврда дунё юзини кўрди. Муаллиф темирчи Шоҳмамодлар оиласининг инсонийлиги орқали ўзбек халқининг фидойилигини, саховатпешалигини очиб бера олган. Китобхон бунга ишончи ҳосил қила олади. Лекин Ўзбекистоннинг бағри кенлигини унутиб, унинг тили ва қадимий маданиятига беписандларча қараётган, ўзбек халқига тўхмат-буҳтонлар ёғдиравган кимсалар ҳам йўқ эмас. «Комсомольск правда» мухбирлари Д. Сабов билан И. Черняк каби қалам-көшлар журналистик одобини поймол қилиб, турли кўча-гаплари, миш-мишларга асосланган беҳаёт ташна тошмаларни остиҳга бориб ётмоқдалар. Уларнинг «Руслар мажидлар соҳибид» номли макаласи Шоҳмамод ака ва Баҳри опа сингари мард, жасур, қаҳрамон инсонларни ёштирган ҳалққа нисбатан ғирт тўхматдан бошқа нарса эмас.

Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи МАҲКАМ РАҲМОНОВ.

Низомий номли Тошкент давлат педагогика институтининг ректорати, насоба уюшмаси қўмитаси ва табиёт-география факультетининг жамоаси зоология кафедрасининг мудир Сайдулло Дадаева укаси Дармон Дадаевич ДЕҲҚОНОВнинг вафот этганини чуқур қайири билан қачун таъзия билдиради.

Т. Н. Қорин-Низзий номидаги Ўзбекистон Педагогика факультети таърифу-табиғатшунос институти жамоаси ва табиёт-география факультетининг жамоаси зоология кафедрасининг мудир Сайдулло Дадаева укаси Дармон Дадаевич ДЕҲҚОНОВнинг вафот этганини чуқур қайири билан қачун таъзия билдиради.

Мухтор АҲМЕДОВ, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими.

Менинг кўз ўнгимда бўлур намоён,  
Уғлонларни суюб қучган Баҳрихон.  
Кўраман темирчи табассумин ҳам,  
Гўдақлар қалбига қўйганин маълам.  
Сизларга минг таъзим,  
Бехт ила омад,  
Мухтарам Баҳрихон,  
азиз Шоҳмамод!

Уруш... Даҳшатли бомбардимонлар ҳаробалари остида юз минглаб фидокор аскарлар, зобитлар, оналар ва болалар қолиб кетди. Ота-оналардан жудо бўлган бегуноқ гўдақлар билан лиқ тўла поёзлар Шарққа — Ўзбекистон томонга йўл олди. Инсон меҳрига, қамқорлигига, бир бурда нонга зор эди бу етимлар.

Шунингдек, китобда турли миллат болаларининг Шоҳмамод акалар оиласида бекамикуст, шарқона одоб-ахлоқ билан тарбия топганилини муаллиф ишончли ва қизқарлик баён қила олган. Шоҳмамодлар оиласи тўғрисидаги архив суратлардан айримлари ҳам илова қилинганлиги нур устига аъло нур бўлган.

Шоҳмамодлар оиласида вояга етиб, ҳозирги кунда мамлакатнинг турли ҳудудларда яшайётган ва ишлаётган инсонларнинг дил сўзлари худди ўзбек халқига айтилган раҳматномадек янграб турибди. Бу тўқналанган турли дил сўзлари китобнинг «Сизларга сийхатчи саломимизни йўллаш» бўлимида ёрқин ифода-ларини, Москвалик оқдий фуқаро М. Гусаква Шоҳмамод

Уруш... Даҳшатли бомбардимонлар ҳаробалари остида юз минглаб фидокор аскарлар, зобитлар, оналар ва болалар қолиб кетди. Ота-оналардан жудо бўлган бегуноқ гўдақлар билан лиқ тўла поёзлар Шарққа — Ўзбекистон томонга йўл олди. Инсон меҳрига, қамқорлигига, бир бурда нонга зор эди бу етимлар.

Сен етим эмассан, Тинчлан, жигарим, Ҳўшдай меҳрибон Ватаним — онамг...



Навоий вилояти Нурота райониди болалар боғчаларида тарбияланаётган кичкинтойлар учун барча шайхат-шайхат мавжуд.

СУРАТЛАРДА: шу райониди «Нурафшон» болалар боғчасидан лавҳалар.



А. ЧАПЛИГИНА тасвири.

Ҳамкасблар ижодидан

КУНГАБОҚАР

Ўзи ерда, лек ер билан иши йўқ, Кўёш кўрса сертавоёе кунгабоқар.  
Оёқ тираб майсаларга урарди дўй, Атиргуллар ёқа ушлаб, унга боқар.  
Фақат-фақат кўёш билан сўйлашади, Ҳатто ою, юлдузчалар писанд эмас.  
Ҳаёлида осмон билан бўйлашади, Унга фақат яқка кўёш яшаса бас!

Она замин муқаддасан, мўтабарсан, Инсон мамнун кўсиндан бахт терганидан.  
Кунгабоқар, наҳотки, сен беҳабарсан, Илдизингиз асли қайда турганидан?!  
Хусаи ЭШМУРОДОВ.

ЯХШИЛИК ҚИЛ

Яхшилик қил! Яхши одам доим бахтга ёр бўлур, Умри утар шодонликда, ҳаёти баҳор бўлур.  
Ичи қора ҳасаддан юз ўғирар дўсти ҳам, Қингирлиги туйфайи у гамга боғур, хор бўлур.  
Мукофотлар илнинида хушомад қилган кимса, Аён бўлиб сир-асрори, хизмати бекор бўлур.  
Ёзувчини, шоир, раҳбар, ким ўлганга тош отса, Элда хурмати йўқолиб, нафратга дучор бўлар.  
Ватан, ҳалқи нафис кўзлаб ҳақиқатни сўзлаган, Ўлиб кетса-да, Машрабдек ҳар бир қалбда бор бўлур.  
Кўнгулни соф айла, Тўра, наҳот кутса ким сандан, Яхшилик қил! Яхши одам доим бахтга ёр бўлур.  
Тўра ЖУМАН,  
Шаҳрисабз райониди 36-ўрта мактаб.

МАСЪУЛИЯТСИЗЛИК СИТАМ КЕЛТИРДИ

Урганч шаҳридаги 6,32 «Юлдузча» боғчаларига қатновчи болаларнинг заҳарланганини ҳақида шов-шув тарқалди. Бу ноҳус шифолиларнинг Республика санитария-эпидемиология станциясининг оқиллиги гигиенаси врачлари Омонжон Бойқулов қуйидагича шарҳлаб берди.  
— Ўтказилган текширувлар шунга кўрсатдики, Урганч сўт маҳсулотлари заводида юрдидаги боғчаларга юборилган сўтли маҳсулотлар 62 нафар боланинг заҳарланишига сабаб бўлган. Бу сўт маҳсулотларининг «Протекс Бульгарис» микроблари билан ифлосланганлигини таъкидлади.  
Мутахассисларнинг ўтказган текширувлари жараёнида заводида маҳсулот ишлаб чиқаришнинг термик ишлов бериш, пастеризация қилиш, уларни сақлаш, идишларни тозалаш, дезинфекциялаш қондалари қўнол равишда бузилганлиги аниқланди.  
Ўтган йили жумҳурият буйича 59 маротаба овқатдан заҳарланиш ҳолатлари қайд қилинган бўлса, шундан 6 таси болалар муассаларида содир бўлганлиги Оқибатда 443 нафар бола касалга чалинди. Ўнг ачинарли заҳарланганлардан 9 нафарини ноҳуд бўлган.  
Қўнғил-сизилиларнинг бош омили бепарволик ва лоқайлик, ўз ишга масъулиятсизликдир. Ўтган йили ушай шайхатиди консервланган маҳсулотлардан қўлгина дилҳизраликлар келиб чиқди.  
Бугунги кунда жумҳуриятимизда 29 та сўт маҳсулотлари заводи ишлаб турибди. Ана шу ерларда озодагарчилик, покчазлик қонун-қондаларига бекамикуст риоя қилинмайтими?

Яна бир нарсани эътиборга олиш жоиз. Кўча-кўйда, шаҳсий савдо шохобчалари кенг тармоқ оятти. Аммо шу дўконларда, афсуски санитария метёе ва қондаларига эид равишда иш тўтилаётганининг гувоҳи бўлаёмиз. Бу ўринда нуқсонларни ўз вақтида бартараф этиш, ўз ишимизга масъулият билан ёрдишимиз ҳар биримизнинг бурчимиз бўлмоғи керак.  
Суҳбатдош А. ЭРҒАШЕВ.

Таъсис этувчилар: Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Халқ таълими ва фан ходимлари касоба уюшмаси Марказий Қўмитаси ҳамда Ўзбекистон Педагогика жаҳияти  
МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.  
ТЕЛЕФОНЛАР: масъул секретарь — 32-54-17, хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 33-84-21, 52-35, нашриёт диспетчери — 32-78-94, нашриёт телефон станцияси навбатчиси — 33-90-50.  
Ўзбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаачилик концерни, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32. вақти 20.00. Воситига тошхирилди 19.30. тираж 33628. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12